

Ахборотлашган жамият

ёхуд Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари



Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёни изчил давом эттириб келинмоқда. Энг аввало, Ўзбекистонда мазкур соҳани тартибга солувчи мукамал қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, бугун дунёда шиддат билан кечётган глобаллашув шароитида АКТ соҳасининг кескин тарққий этиб бориши кузатилаётганлиги, илғор давлатларнинг ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда АКТ орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли воситага айланди. Шу боис, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, умуман, жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган талаблари кун сайин ортиб бормоқда.

3-бет

Алоқа оламида

Microsoft: компьютер сичкончаси ўрнини Kinect эгаллайди. Янги технология инсон қўлларининг ҳаводаги ҳаракатларига асосланган бўлиб, унинг ёрдамида дастур ва ёрликларни бошқариш, файллар яратиш ёки уларни ўчириш ва ҳоказо ўнлаб функцияларни бажариш мумкин.

Эслатма: Kinect дастлаб Xbox 360 ўйин қурилмаси учун яратилган, кейинчалик функциядорлиги ҳисобга олиниб, шахсий компьютерларга ҳам татбиқ этила бошланган.



Ушбу сонда:

ТАТУда ёш илмий тадқиқотчилар конференцияси

2

АКТ ривожланиши бўйича илғор мамлакатлар

4

Основатель Youtube готовит к запуску новый видеосервис

6

Кутубхона фондларини консервациялаш

12

Теледастурлар, спорт, сканворд



Jumadan Jumagacha

7 март куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Тадбирда Президентининг қарорига мувофиқ, жорий йилда адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида муваффақиятлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар таънабли равишда тоширилди. Кечада санъат усталари ва ёш ижроичилар томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

Тўшкентда 12 март куни жинорий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида янги стандартларни ўрганишга бағишланган халқаро семинар иш бошланди. Тадбир Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Евроосиё гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Пойтахтимизда банк тизимини янада ислоҳ этиш ва самардорлигини ошириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президентининг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларига бағишланган ўқув семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, Марказий банк, тижорат банклари вакиллари, тадбиркорлар қатнашди. Бундай иқтисодий ўқув-семинарлар Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" муассасаси жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Наврўз байрами арафасида мазкур жамоат ташкилоти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тўшкент шаҳрида "Ўзбекистон — менинг уйим" шиори остида ободлаштириш ойлари ўтказилмоқда. Онлайн тартибда ўтган йиғилишда Тўшкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида мазкур ойланинг бориши атрофида муҳокама этилди.

Яқинда Дехлида бўлиб ўтган "Outbound Travel Mart" (OTM) халқаро сайёҳлик ярмаркасида жаҳоннинг 13 мамлакатига ҳамда Ҳиндистоннинг 22 штатидан келган 400дан зиёд сайёҳлик компаниялари ўзларининг сайёҳлик махсулотлари ва хизматларини намойиш қилди. "OTM-2013" анжумани чоғида Ҳиндистон компаниялари Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига катта қизиқиш билдирди. Ўзбекистон бўлмаси, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари қадимий шаҳарлар ҳамда улар бағрида жойлашган бетакрор ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши ҳам кўргазма қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ТАТУДА ёш илмий тадқиқотчилар конференцияси

Кеча Тўшкент ахборот технологиялари университетининг катта анжуманлар залида ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг "Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари"га бағишланган илмий-техник конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияни университет ректори Ҳ.Муҳитдинов кириш сўзи билан очди.

Соҳа корхоналари ва ташкилотлари, шу жумладан, университет ва унинг филиаллари жамоаси томонидан 2012 йилда илмий-амалий, инновацион ва фундаментал лойиҳалар бўйича бажарилган ишлар жами 112тани ташкил этди ва 2 миллиард 619 миллион 220 минг сўмлик ишлар шартнома асосида бажарилган. Ушбу илмий-амалий ва фундаментал ишлар натижасида бир қатор мақолалар чоп этилиб, муаллифлик гувоҳномалари олинган.

2012 йилнинг биринчи ярми давомида университет ва унинг филиалларидан 15 киши номзодлик ва бир киши докторлик диссертациясини химоя қилди. Бир талаба Президент

стипендияси, 3 нафари Беруний стипендияси ва 23 талаба соҳа корхоналари ва Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти стипендияларига сазовор бўлишди.

Ҳозирда университетда 15та катта илмий ходим-изланувчи аттестациядан ўтиб, докторлик диссертациялари устида ўз ишларини давом эттирмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси муаммоларига бағишланган ушбу конференциянинг тўққизта шўъбаси таркибиде 23та кичик шўъбалар ташкил этилиб, жами 542та маъруза асосан ёш олимлар, бакалавриатура таълим йўналишлар

Университет ва унинг филиаллари жамоаси томонидан 2012 йилда илмий-амалий, инновацион ва фундаментал лойиҳалар бўйича бажарилган ишлар жами

112тани ташкил этди

ва 2 миллиард 619

миллион 220 минг

сўмлик ишлар шартнома асосида бажарилган.

ри иқтидорли талабалари, магистрлар ва илмий тадқиқотчи (докторант) ҳамда соҳа ёш мутахассислари томонидан тақдим этилган.

О.АБДУАЗИЗОВ,
ТАТУ профессори



Жарқўрғон туманининг Қораянтоқ массивида қирқ бешта уй қалити эгаларига топширилди. Бу оилалар учун Наврўз чинакамига қўшалок байрамга айланди. Улар ҳовли тўйларини ўтказишиб, бир-бирларининг хонадонларида меҳмон бўлишди.

Тўй бўлган уй

Эътиборлиси, намунали лойиҳа асосида қад ростлаган ва кўркамлик бобида шаҳардагидан қолишмайдиган янги уйларнинг бирига Жарқўрғон почта алоқаси тармоғи Миңор алоқа бўлими ходими Мухтор Топшўлатов оиласи жойлашди. Хонадон сохиблари яратилган шартшароитдан мамнун. Шу боис "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбариятидан беҳад миннатдор бўлишди. Гап шундаки, яқка тартибдаги шинам уйга киришган алоқачилар молиявий қўллаб-қувватланди.

Оила бекаси Дилфуза ҳам турмуш ўртоғи билан алоқа соҳасида хизмат қилади. Улар хабарчилик вазифасини сидқидилдан удралаб келишяпти. Газета-журнал, хат-хабар ва почта жўнатмалари ўз вақтида манзилига етказилмоқда.

Шунинг учун ҳам Жарқўрғон почта алоқаси тармоғи жамоаси 2012 йилда қуриб битказилган уйни шу уч фарзандни воёга етказётган алоқачилар оиласига беришни маъқул топди.

Асрлар оша кум-барханлардан иборат Қораянтоқ массиви йўли бугун ҳам серкатнов. Маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган қурилиш материаллари ортилган юк машиналари изма-из келиб турибди. Амалдаги Обод турмуш йилида яна 60та замонавий тураржойлар қурилади. Намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган бу уйларда турли касб эгалари яшайди. Буюртмачилар орасида Жарқўрғон почта алоқаси тармоғининг бош ҳисобчиси Шайдулла Сувонов ҳам бор.

— Уч ўғлоннинг отасиман, — дейди Шайдулло ака қўнғиротча

гурур билан. — Ҳозир Одижон олийгоҳни битказиб, мустақил меҳнат қилапти. Олимжон эса Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежини битириш арафасида. Орифжон мактаб ўқувчиси. Насиб қилса, намунали лойиҳа асосида қурилаётган уйда ўғлим Олимжоннинг бахт тўйи бўлади.

Шайдулла Сувонов кўп йиллардан буён почта соҳасида хизмат кўрсатиб келмоқда. Унинг замонавий уй-жойга эга бўлиши учун берилган имкониятда худди шу соҳага бўлган садоқати инобатта олинди.

...Қораянтоқ массивидаги янги манзилда элимизнинг қадимий ва миллий байрами — Наврўз илк бор нишонланыпти. Азалий қадриятларимиз билан боғлиқ сайлларнинг қатнашчилари истиклолга минг бора шукроналар билдиришмоқда. Яхши ният билан эканган ниҳоли эртасига катта умид бойламоқда. Қувонарлиси, янги уйда жўшқин ҳаёт гаштини сураётган жарқўрғонлик онлавий алоқачилар — Мухторжон ва Дилфузaxon Топшўлатовлар ҳам кўккам қуёшидан баравар баҳрамандлар.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

АКТ соҳасини жадал суръатлар билан тараққий эттириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки мамлакатимиз иқтисодиётини жадал суръатлар билан ривожлантиришда ўзига хос етакчи тармоқ — "локомотив" ролини ўйнайди.

Дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда компютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.


Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40дан ортиқ қарорлари ва 300дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида яратилган кенг ҳуқуқий майдон мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнида тибора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши йўлида қулай имкониятлар яратмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида 2003-2004 йилларда "электрон" қонуналар қабул қилинди. Булар "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуналаридир. Мазкур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибалари ҳам афзолича ўрганилиб, миллий қонунийликка мос бўлган ҳужжатларни уйғунлаштирилди.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва жойларда уларнинг ижроси таъминланиши, ўз навбатида, иш юритиш маданиятининг электрон қўриғини шаклланишига, масофа қисқаришига, вақт тежалишига ҳамда иқтисодий самардорликнинг ошишида муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон тижорат



Ўзбекистонда электрон ҳужжатларга ҳуқуқий мавқе берувчи "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантиришга қўмаклашиб, давлат ҳокимиятининг турли идоралари ўртасидаги ҳужжат айланишини автоматлаштиришга қулай имконият яратмоқда. Электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ўзаро ахборот алмашинуви даражаси ва сифатини оширишга, ахборот излаш самардорлиги ўсишига, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш ва улардан фойдаланишга қўмаклашиб, қоғозли ҳужжат айланиши улушининг камайишига ёрдам бермоқда. Ушбу қонун

иқтисодиётимизга "Раунет" каби электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи муассасалар кириб келди, "SMS-банкнинг", "Интернет-банкнинг" каби янги электрон тўлов хизматлари жорий этилди. Эндилдида ушбу хизматлар шарофати билан миқозлар коммунал, мобил алоқа ва интернет хизматларини ҳисоб-китоб қилиб, уй-рўзгор молларини интернет орқали сотиб олишмоқда.

2005 йилдан бошлаб Ўзбекистонда давлат органларининг интернетдаги расмий веб-сайтлари очилиши табиқ эътибор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида"ги 256-қарори билан ушбу сайтларга асосий талаблар белгиланган бўлиб,

Ахборотлашган жамият

ёхуд Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари

рот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқларини, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартлари даражасига етказиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40дан ортиқ қарорлари ва 300дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида яратилган кенг ҳуқуқий майдон мамлакатимизда сиёсий модернизация жараёнида тибора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши йўлида қулай имкониятлар яратмоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида 2003-2004 йилларда "электрон" қонуналар қабул қилинди. Булар "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуналаридир. Мазкур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибалари ҳам афзолича ўрганилиб, миллий қонунийликка мос бўлган ҳужжатларни уйғунлаштирилди.

Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши ва жойларда уларнинг ижроси таъминланиши, ўз навбатида, иш юритиш маданиятининг электрон қўриғини шаклланишига, масофа қисқаришига, вақт тежалишига ҳамда иқтисодий самардорликнинг ошишида муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон тижорат

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40дан ортиқ қарорлари ва 300дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

рат, электрон тўловлар каби яна бир қанча янги хизмат турларининг шаклланишига, жумладан, тадбиркорларимизга масофадан туриб дунёнинг хоҳлаган мамлакатидан ўзига ҳамкор топши ва тижорат ишларини юритишга кенг йўл очди.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида янги йўналиш ҳисобланган мазкур тизимларнинг тез суръатларда тараққий этишининг яна бир омил — бу ахборот-коммуникация технологияларини рақамлаштириш даражасининг ортиши, хусусан, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги ўтган йилга нисбатан 61 фоизга ошиб, бутунги кунда 7780 Мбит/с.ни ташкил этаётгани ва улардан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигидадир. Шунингдек, жорий йил бошида маълумотлар узатиш, жумладан, интернетта уланиш бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг сони 930тага етган бўлса, жамоавий фойдаланиш масканлари 1063тани ташкил этди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, электрон тижоратнинг шиддат билан ривожланишига интернетдан фойдаланувчилар сони аҳолининг 20-25 фоизини ташкил этгандагина эришиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллионга етгани электрон тижоратнинг келгусидаги ёрқин истиқболдан дарак бериб турибди.



электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақомини ва унинг реквизитларини аниқлаган бўлиб, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларини, электрон ҳужжатни олиш, жўнатиш, уларни сақлаш ва муҳофаза этиш тартибини белгилаб берди.

"Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо ва қоғоздаги шахсий имзо тенг кучга эга эканлигини таъминлаб берди. Натيجада юридик ва жисмоний шахслар томонидан интернет тармонидан фойдаланган ҳолда керак бўлган барча ҳисобот формалари ва бошқа маълумотларни электрон равишда интерактив ҳолда олиш ҳамда солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш имкониятини яратди. Бу тизим кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш, давлат хизматчилари билан бевосита мулоқот учун навбат кутиш ёки солиқ ҳисоботларини тўлдиришдаги хато ва камчиликларни тузатишга эмас, балки ўз тадбиркорлик ишларини ривожлантиришга сарф этишларига имкон бермоқда.

Шунингдек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва ижросининг таъминланиши наъжасида республикамизда 9та электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш маркалари ташкил этилди. Агар электрон рақамли имзо қалитлари сони 2006 йилда 93тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб 300 мингтадан ортиб кетди.

Шу билан бир қаторда, миқозларга янги хизмат турларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари қафолатлаб қўйилди. Бу билан

унда сайтларни тўлақонли расмийлаштириш, ундан фойдаланиш ва янгилаш мақсадида веб-сайтда жойлаштирилган зарурий ахборотлар рўйхати, мазмуни ва бошқа керакли шартларга нисбатан халқаро стандартлар аниқ шакллантирилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воситасида жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро тезкор ҳамкорлигини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланишнинг таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йил 23 августда "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, у билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самардорлигини ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишнинг таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йил 21 мартда "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Унда давлат органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини босқичма-босқич интеграция қилиш асосида Миллий ахборот тизими шаклланишини таъминлаш, интерактив давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва уларнинг рўйхатини кенгайтириш, миллий ахборот тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа қатор вазифаларни қўзғаб, ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий қилиш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

(Давоми бор.)

Шухрат ДЕХҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутати,
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

Xalqaro
hayot

КОНГО ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИнинг Гома шаҳрида "Fokker 50" русумли йўловчи самолёти қулаб тушди. Маҳаллий "САА" авиакомпаниясига қаршли мазкур ҳаво лайнери аэропортга етти километр масофа қолганида фалокатта йўлиққан. Фожиа оқибатида камида 50 нафар одам ҳаётдан кўз юмгани айтилмоқда. Дастлабки таҳминларга кўра, бунга ўша пайтда ёғаттан кучли ёмғир сабаб бўлган.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкциясини расман инкор қилди. "КХДР аввалгидек, мамлакатга қарши қаратилган санкцияларни назарда тутувчи резолюцияни бутунлай инкор этади", — дейилади мазкур давлат Ташқи ишлар вазирлигининг расмий баёнотида.

КХДРнинг ядро синовини амалга оширгани муносабати билан 2013 йил 7 март куни қабул қилинган янги резолюция туртинчиси ҳисобланади. Унда КХДРнинг банк ҳисобларини музлатиш, ҳаво ва денгиз кемаларини қайта текшириш, катта пул маблағларига эга бўлган шахсларни назорат қилиш, шунингдек, бу мамлакатга яхталар ва спорт автомобилларини етказиб беришни тақиқлаш кўзда тутилган.

АҚШ собиқ президенти Билл Клинтон бошқараётган хайрия фонди Гаити ҳукумати га қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 700 минг доллар ажратди. Бу маблағ қаҳва плантацияси қурилишига, фермерларни ўқитишга, кўчат экишга сарфланади. Шунингдек, Клинтон АҚШнинг яна бир собиқ президенти Жорж Буш билан биргаликда 2010 йилда зилзиладан жабр кўрган гаитликларга халқаро ёрдам фондиди ҳам бошқаради.

ИНТЕРПОЛ (Халқаро полиция агентлиги) ва дунёдаги энг йирик 29та фармацевтика ширкати миллионлаб инсонларнинг саломатликларига таҳдид солаётган сохта дориюларга қарши курашишга оид ўта муҳим келишувга эришди. Келишувга биноан дори ишлаб чиқарувчи ширкатлар Интерполни уч йилдан кўпроқ вақт давомда 6 миллион доллардан ортиқ маблағ билан таъминлашлари керак. Мазкур маблағ сохта тамга ёпиштирилган хос ва кенг истеъмолдаги дориюлар савдосига қарши курашни кучайтиришга сарфланади.

Агентлик ҳисоботида кўра, глобал миқёсда айланган дори-дармонларнинг ўн фоизга яқини қалбакидир. Қашшоқроқ мамлакатларда эса бу рақам 50 фоизгача кўтарилши мумкин.


ЛИВИЯ пойтахти Триполида сифатсиз алкоғолдан заҳарланиш оқибатида 51 киши вафот этган. Яна 300га яқин одам спиртли ичимликдан заҳарланишдан шикоят қилиб шифокорларга мурожаат қилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ичимликларда буйракни ишдан чиқарадиган метанол миқдори юқори бўлганини таъкидламоқда. Ҳукумат қўшини алкоғол ишлаб чиқариши гумон қилинган бир нечта бинони ўраб олган. Уларга қарши куч ишлатилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, Ливияда алкоғол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ичши тақиқланган.

ВАТИКАНда янги Рим Папаси сайланди. Авлиё Пётр ибодатхонасига йиғилган оломон кўнгироқлар жарангини олқишлар билан кўтиб олган.

Сешанба куни 115 кардинал хилватда йиғилганлар ва тўрт бора янги Папа сайлаш учун овоз берганлар. Янги Рим Папаси сифатида аргентиналик кардинал Хорхе Мариа Берголио сайланди. Энди унинг Католик нисби Папа Франсис бўлади. У ўтган ҳафта Черковни бошқариш учун қудрати етмаётганини айтиб истефо берган Бенидикт XVI ўрнини эгаллади.

АКТ ривожланиши бўйича ИЛҒОР МАМЛАКАТЛАР (ТОП-10)



Халқаро электралоқа иттифоқи мутахассислари ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши бўйича мамлакатлар рейтингини тузишди. Жами 155 мамлакатни ўз ичига олган бу рўйхат 11 йўналиш: интернетга уланган хонадонлар, кенг полсали уланишлар сони, аҳолининг компютер саводхонлиги... ва ҳоказо мезонларга асосланиб тузилди.

1. ЖАНУБИЙ КОРЕЯ. Мамлакат икки йилдан бери етакчилик мақомига эга. Осиёдаги интернет фойдаланувчиларининг 5 фоизи шу мамлакатда яшайди. Сўнгги 10 йилда интернетга уланган хонадонлар сони 39дан 83 фоизгача ошди.

2. ШВЕЦИЯ. Скандинавиянинг ушбу мамлакатини ҳукумати ахборот технологияларини жамиятнинг барча жабҳаларига татбиқ этишга зўр бермоқда. Шведлар биринчилар қатори Электрон ҳукумат тизимидан фойдаланишга ўттиди.

3. ДАНИЯ. Мамлакат интернетнинг 90 фоиздан ортинини кенг полсали уланиш ташкил этади. Данияликларнинг ярмидан кўпи Facebook аъзоси ҳисобланади.

4. ИСЛАНДИЯ. Интернет континентал Европада анча олисда жойлашган ороликларнинг жонига оро кирмоқда. Хақиқий рекорд кўрсаткич: исландларнинг 97 фоизи интернетдан фойдаланади.

5. ФИНЛЯНДИЯ. Ахборот технологиялари соҳасида етакчилар сафиди юриш ҳамма скандинавлар учун анъанага айланиб қолган. Финляндияда интернетга уланиш тезлиги 1 Мбит/сониядан паст

бўлмаслиги қонун йўли билан белгилаб қўйилган.

6. НИДЕРЛАНДИЯ. Голландлар кенг полсали интернетдан энг кўп фойдаланувчи европаликлар эканликларидан ҳақли равишда фахрланишади. Уларнинг 90 фоиздан ортинини фаолияти ахборот технологиялари билан боғлиқ.

7. ЛЮКСЕМБУРГ. Бу митти Европа мамлакатини аҳолисининг 91 фоизи интернетдан фойдаланади. Деярли 40 фоиз аҳолиси Facebookда рўйхатдан ўтган.

8. ЯПОНИЯ. Бу мавзуда гап кетганда Кунячиқар юртни таърифлашга ҳожат йўқ. Мамлакатда "Интернет — хар бир хонадонга" дастури уч-тўрт йилда якунига етказилиши кутиляпти. Ҳозирча глобал тармоқдан бебаҳра японлар сони 15 фоиздан сал ошади.

9. БУЮК БРИТАНИЯ. Ўтган йили 14-погонани банд этган британияликлар анча фаоллашишди: энди интернетдан фойдаланувчилар сони 84 фоизга етди.

10. ШВЕЙЦАРИЯ. Алп мамлакатини аҳолисининг 80 фоизи интернетга уланган. Бу ерда 120дан зиёд интернет-провайдер энг замонавий технологиялар асосида хизматларини тақдим этипти.



Коинотга ўзгача назар ташланади

Жорий йилнинг 13 март куни Чилида жаҳондаги энг йирик радиотелескоп ишга тушди.

А t a s a m a Large Millimeter / Submillimeter Array (ALMA) номини олган ушбу улкан иншоот, номи ҳам далолат бериб турганидек, сайёрамизнинг энг қуруқ жойи — Атакама чўлида ўрнатилган бўлиб, 66та параболлик антеннани бирлаштирган.

ALMA — Шимолий Америка, Европа ва Осиё мамлакатларининг қўшма лойиҳаси, унинг қурилишига 1,3 млрд.дан зиёд маблағ сарфланди.

Коинотнинг энг олис пучмоқларидаги жараёнларни кузатишга мўлжалланган бу иншоотнинг қуввати, муаллифларнинг айтишича, айна пайтгача ишлаб турган исталган радиотелескопдан 100 баравар юқоридир.

АТ-хабарлар



Мобил иловалар ишлаб чиқарувчилар бу йил 25 млрд. доллар даромад қилишади. Қурилмаларда ўртасида бу таксимот қуйидагича: ABI Research маълумотларида кўрсатилишича, планшетлар учун дастур ва ўйинлар хажми 8,8 млрд. долларни, смартфонлар соҳаси учун эса 16,4 млрд. долларни ташкил этиши кутилмоқда. 2018 йилга бориб эса планшетлар сон жихатидан смартфонларни ортда қолдириши кутиляпти, табиийки, уларбоп дастурлар ўз-ўзидан кўпаяди.

HGST 10-нм бит структурали қаттиқ дисклар учун материал ишлаб чиқди. Илгари микропроцессор ишлаб чиқарувчилар етакчи бўлиб келган нанолитография соҳасида катта бурилиш ясаши мумкин. Ўта майда ва магнитланган бу тизим қаттиқ дисклар (HDD)да маълумотлар зичлигини икки маротабагача ошириш имконини беради.

Мобил вирусларнинг 79 фоизи Androidларга мўлжалланган. Финляндиянинг F-Secure антивирус компанияси шохидлик беришича, 2012 йил Android оғик амалий тизими учун нафақат оммалашиб ботида, балки унга чиқарилган зарарли дастурлар сони борасида ҳам катта сакраш йили бўлди.



Аёллар — Хитой электрон тижорат бозорининг асосий харидорлари. Мамлакат Электрон тижорат бозорини ўрганиш маркази маълумотларига кўра, аралаш моллар дўконларида уларнинг хиссаи 60 фоиздан оша, парфюмерия дўконларида 90 фоизгача етмоқда.

Статистика: 2012 йил якунида Хитойда интернетдан фойдаланувчилар сони 564 млн.га етганди. Интернет орқали харидни амалга оширганлар эса ўтган йили 242 млн. нафарини ташкил этди.

Почта хавфсизлиги

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиалида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиш почта алоқаси хизмати сифати даражасини ошириш, ноанъанавий турларни жорий этиш, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш механизмини янада такомиллаштириш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш чоралари, энг муҳим талаблардан бири — ходимларнинг муомала маданияти масалаларига бағишланди.

Йиғилишда филиал директори ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва мутахассислар, шунингдек, Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи раҳбар ва масъул ходимлари, алоқа бўлимлари бошлиқлари ва бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирок этди.

Филиал директори Бахтиёр Хошимов олиб борган йиғилишда вилоят аҳолисига кўрсатилаётган почта хизмати, алоқа бўлимлари томонидан кўрсатилаётган анъанавий ва ноанъанавий хизматлар тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, мазкур масалалар юзасидан филиалнинг Навоий шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи, Навоий шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла фаоллари, ички ишлар тизими ходимлари ва почта алоқаси ходимлари ўртасида очик мулоқот ўтказилди.

Йиғилишга ташриф буюрган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг ўринбосари — Почта хавфсизлиги хизмати бошлиғи Ислом Назаров, жамиятнинг ПХХ бўлим бошлиғи Исмаил Маликовлар пул маблағларининг сақланиши ва максатли ишлатилиши, почта хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши, оғохликни ошириш, почта жўнатмаларини бутлугича етказиш, кадрлар захирасини шакллантириш, нафақаларни ўз вақтида етказиш, шакл варақаларини тўлдириш, хизматларнинг янги турларини ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали иш унумдорлигини ошириш тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар.

Ўз навбатида, кун тартибидagi масалалар юзасидан филиал директори ўринбосари

ри — Почта хавфсизлиги хизмати инспектори Завқиддин Ғуломов, бош хисобчи Бахтберган Абдреймов, кадрлар ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Шакарбек Казаковлар кўрсатилаётган хизматлар, ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилаётган ўқувлар, пул маблағлари ўзлаштирилишининг олдини олиш, сўровнома-мониторинг ишлари, текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш натижалари, ходимларнинг бурч ва масъулияти ҳақида фикр алмашдилар.

Худди шу масала ва муаммоларга бағишланган йиғилишлар вилоятнинг Конимех ва Бешрабод почта алоқаси тармоқларида ҳам бўлиб ўтди ҳамда жойларда аҳоли ва ташкилотларга кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари билан яқиндан танишилди. Кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда аҳоли ўртасида ўтказилган очик мулоқот ва учрашувлар соҳада кўзланган максатларга эришиш учун замин яратди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

QASHQADARYODAN DARAKLAR

Битирув-малакавий ишлари

доимий назоратда бўлиши лозим

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида талабалар ҳамда соҳага оид ташкилотлардан уларнинг битирув-малакавий ишларига раҳбар этиб бириктирилган малакали мутахассислар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишни филиал директори Одилбек Турғунов кириш сўзи билан очди ва бугунги кунда бутун дунёда кузатилаётган шиддатли ривожланиш жараёнлари олдимизга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида таълим олаётган ёшларнинг билим ва малакасини янада ошириш талабини қўяётганини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин кун тартибидан ўрин олган битирув-малакавий ишларининг бажарилиши ва ёзилиш тартиби, битирув-малакавий ишларини тайёрлашда талабаларга ва соҳага оид ташкилот ҳамда муассасалар томонидан унга раҳбарликка бириктирилган ходимларга юкланадиган, ишлаб чиқариш амалиёти давридаги вазифалар муҳокама қилинди.

— Бакалавр йўналишида таҳсил олаётган талабаларимизнинг битирув-малакавий ишлари уларга раҳбарлик учун бириктирилган соҳа ходимининг тақдимномасига кўра филиал директорининг буйруғи билан тасдиқланади, — дейди ТАТУ Қарши филиали директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Қобилжон Мустафоев. — Йиғилишда таъкидланганидек, ҳар бир битирув-малакавий ишлари доимий тарзда мониторинг қилиб борилади.

Шунингдек, мутахассислар томонидан БМИларга қўйиладиган талаблар, уларда ёритиладиган бўлимлар, ҳар бир бўлимда нималарга эътибор қаратиш кераклиги тушунтириб ўтилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Ижро интизоми

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалида ижро интизомига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари муҳандис ва иш юритувчилари иштирок этдилар.

Тармоқда ижро интизоми бўйича олиб борилаётган ишлар, ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг мурожаатлари, уларни кўриб чиқиш муддатлари, электрон ҳужжат айланиши, алоқа хатларини қайд этиш, жавоб варақалари, қайд дафтларини юритиш тартиби ва бошқа иш фаолияти билан боғлиқ масалалар хусусида филиалнинг малакали мутахассислари тушунча бердилар.

Почта алоқаси тармоқлари иш юритувчилари ўз фаолиятлари бўйича баҳс-мунозара юритдилар. Ўқув-семинар сўнгида ўзлаштирилган билимлар юзасидан суҳбат ўтказилиб, катнашчилар тест синовлари топширдилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида "Тадбиркорлик — обод турмуш гарови" лойиҳаси доирасида Бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида "Қамолот" ЕИХ вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда иш билан банд бўлмаган ёшлар иштирок этдилар.

Ярмаркада "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали томонидан филиал ҳаётини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилиб, алоқа бўлимларидаги мавжуд бўш иш ўринлари талабгорларга тавсия этилди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилиб, ярмаркада шаҳардаги қорхона ва ташкилотларнинг вакиллари 500дан ортиқ иш ўринлари билан катнашдилар. 400 нафарга яқин иштирокчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, коллежларни тугаётган ёшлар билан уч томонлама шартномалар имзоланди.

Афтондил ИСМОИЛОВ

INFO-XABAR

Интернета Тошкентнинг интерфаол харитаси жойланди. Энди пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари шаҳардаги жамоат транспорт йўналишларини кўрсатувчи мазкур харитадан фойдаланишлари мумкин. "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасининг маълум қилишича, интерфаол харитани яратишдан мақсад пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига шаҳар бўйлаб ҳаракатланадиган автобуслар, трамвайлар, метро ва таксиларнинг йўналишлари ҳақида маълумот беришдир. Шунингдек, харитада 11 мингдан ортиқ компания ва ташкилотларнинг манзиллари кўрсатилган. Харитадан керакли манзилни топиш учун унинг номини киритиш ва кидирувга бериш kiffof.

Интерфаол харитани "Тошшаҳартрансхизмат" сайтдан кўчириб олиш мумкин.



Емаган сомсага пул тўламанг!..

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамияти (ИХХҚЖ)га истеъмолчи Ш.Шарофовадан шикоят аризаси келиб тушди. Аризачи умумий овқатланиш муассасаси хизматидан норозилигини билдирган.

Воқеа эса қуйидагича бўлган: Ш.Шарофова оиласи билан БИЙ бекати ёнидаги умумий овқатланиш муассасасига байрам нишонлаш учун дастурхон тузашга олдиндан буюртма берган. Ҳаммаси рисоладагидек ўтди, ammo зиефат тугаб официант кўрсатилган хизмат учун тўлов қорозини олиб келгач, меҳмонларнинг байрамона кайфиятидан асар ҳам қолмади. Улар бу сумма белгилангандан анча кўп эканлигини ҳарчанд уқтиришмасин, муассаса ходимлари барча хизматлар тўғри ҳисобланганини айтипти ва муассаса нархномасида хизмат ҳақи 10 фоиз кўрсатил-

ган бўлишига қарамай, ҳисоб чекида хизмат ҳақини 20 фоиз кўрсатиб, истеъмолчилардан 239470 сўм ортиқча олиб қолишган.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари бузилаётганини ва бузилган ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб жамиятимизга ёзма мурожаат билан чиқиди. Жамиятимиз мутахассис ходимлари томонидан воқеа жойига чиқилиб, батафсил ўрганиш ўтказилди ва музокара йўли билан 239470 сўм қонуний эгалари — истеъмолчилар фойдасига олиб берилди.

Ҳурматли истеъмолчилар! Сизнинг ҳуқуқларингиз мамлакатимиз қонунлари билан химоя қилинади. Юқоридаги каби ҳуқуқбузарликларга дуч келган тақдирингизда тегишли идораларга мурожаат қилишни унутманг.

Ф. ОРТИҚОВ,

Мирзо Улугбек тумани ИХХҚЖ раиси

Системы управления документооборотом НА ОСНОВЕ WEB-ТЕХНОЛОГИЙ

Последние десять лет развития сетевых средств показали, что современные предприятия не могут обходиться без систем на базе web-технологий, так как именно они позволяют окончательно перейти к безбумажной технологии, обеспечив удаленный доступ к документам.

Системы управления документами, используемые в настоящее время в корпоративных сетях, выполняют загрузку и обработку всего потока документов, циркулирующих в пределах предприятия, т. е. информации, пересылаемой между служащими и отделениями, а также обеспечивают обмен документами с потребителями, поставщиками, клиентами и дистрибуторами. Основные функции системы управления документами — классификация информации, размещение ее в библиотеках баз данных и предоставление пользователям интерактивного доступа к документам.


Новые системы управления документами на базе Web имеют все шансы привлечь внимание предприятий, причем главная причина их популярности состоит в том, что в качестве клиентской части эти приложения клиент-сервер используют стандартный Web-браузер. С помощью таких систем служащие, работающие дома, могут мгновенно получить любые изменения, внесенные руководством в документы компании, подключившись к корпоративному серверу посредством модема или сетевой карты и браузера и найдя необходимый отчет в библиотеке базы данных. Заказчики получают возможность обратиться к Web-узлу предприятия и, щелкнув мышью по пиктограмме, соответствующей средствам обслуживания клиентов, автоматически подключиться к библиотеке базы данных, чтобы проверить, отправлены ли заказанные изделия. Системы управления документами на базе Web не требуют расходов на клиентское программное, позволяя экономить значительные средства.

Наиболее привлекательная сторона систем управления документами на

базе Web — экономия средств. В конечном счете Web-системы управления документами могут также выполнять функции автоматизации деловых процедур, осуществляя не только разделение документов на категории и взаимодействие с базами данных, но и маршрутизацию документов. Еще одна функция будущих систем управления документами заключается в предоставлении доступа к корпоративным информационным библиотекам как сотрудникам предприятий, так и компаниям-партнерам, которые смогут получить спецификации на продукцию, графики поставки изделий и другую информацию, не представляющую коммерческой тайны. Основные причины, которые могут замедлить развитие средств управления документами на базе Web — это риск, связанный с недостаточной защитой информации в системе Web, и сложность разработки развитых приложений на основе модели "слабый клиент — мощный сервер".

Поскольку документы становятся все более разнообразными и ориентированными на Internet, пользователям потребуются средства, которые способны манипулировать как текстами, так и изображениями, видеоинформацией и звуком.

Наиболее сложной является проблема защиты информации. Если речь идет об одностороннем доступе к информации, обеспечить надежную защиту легко: достаточно предоставить внешним пользователям, обращающимся к библиотекам документов через Web, право только искать и читать данные. Такой вид доступа означает, что компания позволяет посторонним лицам получить определенную внут-



реннюю информацию без регистрации в корпоративной сети и без получения каких-либо прав на управление данными. Это значительно снижает опасность внесения несанкционированных изменений в ответственную информацию. В этом случае пользователь с помощью Web-браузера может только ознакомиться с данными, размещенными на Web-сервере, который установлен между ним и внутренней сетью корпорации.

Когда система управления документами применяется для двустороннего доступа к информации, а именно этот способ совместного использования документов особенно привлекает предприятия, проблема защиты осложняется. Теперь для обеспечения безопасности корпоративной базы данных требуются специальные программы, регламентирующие права доступа. Кроме того, на клиентском компьютере должно быть установлено специальное приложение, поддерживающее связь с сервером предприятия и позволяющее ему регистрировать документы, к которым обращается пользователь, и изменения, вносимые последним. В настоящее время большинство систем, предназначенных для управления документами в системе Web, включают развитое серверное программное обеспечение и небольшую клиентскую часть, рассчитанную на так называемого "слабого" клиента, т. е. устройство, не имеющее мощного процессора и способное обеспечить

только просмотр информации с помощью Web-браузера. Эти системы не позволяют полностью контролировать доступ пользователей к информации.

Стратегически важные данные можно хранить на мэйнфрейме, не подключенном к интрасети и Internet. Начинать внедрение следует с наиболее простого варианта системы — проверить ее в интрасети компании, и только после этого организовывать внешние связи через Web-сервер.

Итого, в целях обеспечения безопасности от несанкционированного доступа через Internet, можно использовать также следующие меры:

1. Встраивание в центральный узел программно-аппаратный комплекс, выполняющий функции брандмауэра.
2. Фильтрация пакетов и аутентификация пользователей.
3. Обеспечение внутренней связи между узлами посредством корпоративной интрасети, имеющей локальные IP-адреса, не зарегистрированные в Internet и, следовательно, недоступные из внешнего мира.
4. Отражение выхода во внешнюю сеть прокси-сервером, который преобразует внутренние IP-адреса в глобальные, ограничивает входящий и исходящий трафик, выполняет регистрацию внешних Web-узлов, посещаемых пользователями.
5. Применение разных протоколов на локальных серверах, содержащих особо важные базы данных, и на Web-серверах, что затрудняет несанкционированный доступ к базам данных. Это может несколько уменьшить преимуществ web-технологий.
6. Внедрение механизмов управления доступом в саму систему управления документооборотом (список управления доступом, уровни доступа, роли, группы пользователей, шифрование и т. д.).

Маргарита НАМ,
студентка 2 курса магистратуры
ТУИТ

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

ОСНОВАТЕЛЬ YOUTUBE ГОТОВИТ К ЗАПУСКУ НОВЫЙ ВИДЕОСЕРВИС

Сервис YouTube, одним из основателей которого был Чад Херли, пользуется популярностью на протяжении многих лет. В свое время деятельность компаний Vimeo и DailyMotion, и многочисленные иски о нарушении авторских прав вынудили Чада Херли с компаньонами продать успешный бизнес Google. После ухода из крупнейшей интернет-корпорации, Херли решил создать новый видеосервис, который будет конкурировать с YouTube, правда пока не ставит перед собой задачу полностью вытеснить старый проект.

ОБЪЕМ МИРОВОГО РЫНКА ДИСКОВЫХ ХРАНИЛИЩ ДАНЫХ ПРЕВЫСИЛ 24 МЛРД. ДОЛЛ.


Очередной успешный год занесла в свою историю индустрия дисковых внешних систем хранения данных. Если верить подсчетам IDC, в 2012 г. оборот отрасли достиг 24,7 млрд. долл. (+4,7% "YoY"), а совокупный объем реализованного дискового пространства увеличился на 27%, превысив 20 экзбайт.



ADATA АНОНСИРУЕТ USB ФЛЭШ- НАКОПИТЕЛЬ СО СКОРОСТЬЮ ЧТЕНИЯ 200 МБ/С

ADATA Technology сообщает о выпуске USB флэш-накопителя DashDrive Elite UE700 с интерфейсом USB 3.0. Утверждается, что при скорости чтения 200 МБ/с и записи 100 МБ/с, модель превосходит по производительности подавляющее большинство USB-накопителей, представленных на рынке.

Накопитель заключен в алюминиевый корпус и имеет выдвинутой USB-коннектор. Модель будет доступна в нескольких емкостях: 16, 32 и 64 Гб. Накопитель DashDrive Elite UE700 имеет пожизненную гарантию производителя.



SAMSUNG НАЧИНАЕТ ПРОИЗВОДСТВО МЕДИЦИНСКОГО ОБОРУДОВАНИЯ ПОД БРЕНДОМ GEO

В рамках Европейского конгресса по радиологии (European Congress of Radiology), компания Samsung Electronics совместно с Samsung Medison объявила о начале производства медицинского оборудования под новым брендом GEO. Эта линейка включает в себя: аппараты для цифровой рентгенографии, системы для ультразвуковой диагностики и лабораторные анализаторы крови.

Хабар + TV

УЎБАҲОН

05.55 Қўрагуллар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
07.00 "Иқлим"
07.25 "Қўнғил қўшиқ истайди"
07.30 "Қўнғил қўшиқ бўлмас", М/Ф.
07.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
08.00 "Ғафилнома".
08.40 "Юртим бўлди" дастури.
09.00 "Дубоасиз мозий нафис".
09.00 Миллий сериал: "Чемпионлик олувчи".
09.30 "Тараққот дастури".
10.00 "Мирал қоним", Т/с.
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Аборот".
11.10 "Ватандинлар".
11.45 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.50 "Қўнғил қўшиқ истайди".
13.05 "Комиссар Рекс", Т/с.
13.50 "Моҳир қўлар".
14.00 "Аборот".
14.15 "Идиот сари".
14.35 Ўбек қисси: "Танка".
15.45 "Аёз ва янғон".
16.10 "Иқлим".
16.15 "Қўнғил қўшиқ ҳақида".
16.40 "Икки дарё орлинга".
17.00 "Аборот".
17.10 "Менинг боғим".
17.25 "Эрталар - кешликка етади".
17.45 "Идиотлар".
17.50 "Эркин фикр".
18.00 "Қўнғил қўшиқ истайди".
18.15 "Корона".
18.35 "ТВ - шафқор".
18.40 "Комиссар Рекс", Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Аборот", Т/с.
20.05 "Навоий ботқонда".
20.10 "Муҳаббат ваъси", Т/с.
21.00 "Аборот".
21.40 "Муҳаббат".
22.10 "Қўнғил қўшиқ истайди".
22.25 "Хоним ва қарқон", Б/Ф.
23.40 "Моҳир қўлар".
23.50 Қўрагуллар дастури.
23.55 "Юртим бўлди" дастури.
24.00 "Дубоасиз мозий нафис".
00.15 "Менинг боғим".
00.30 Миллий сериал: "Чемпионлик олувчи".
01.00 "Аборот", Т/с.
01.30 ТелеТеатр: Келинлар қўлағони", 1-қисм.
02.10 "Ватандинлар".
02.50 "Қўнғил қўшиқ оҳанглари".
03.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
04.00 "Аборот".
04.40 Миллий сериал: "Фидойилар".
05.10 "Шарқ тароналари".
05.20 "Саломатлик сирлари".
05.35 - 05.55 "Икки дарё орлинга".

УЎБАҲОН

6.00 "Ватан мекри".
6.10 Миллий сериал: "Чархалак".
6.50 "Ёшлик наволар".
7.10 "До-ми-соль".
7.30 "Мультианорам".
8.00 "Ўнўтилмас оҳанглари".
8.30 Миллий кино: "Янги бой".
9.50 "Наваро шуқул".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Астерикс ва Обеликс Цезарга қарши", Б/Ф.
12.00 "Хёт Ғаф".
12.30 Миллий сериал: "Жийда гули".
13.00 "Давр".
13.10 "Табии", Т/с.
14.00 "Ёш-Ўзбекистон".
14.30 "Ҳокки буқлар".
14.30 "Ёшлик наволар".
15.10 Миллий сериал: "Чархалак".
16.00 "Давр".
16.10 "Қаноб Вин", Т/с.
16.40 "Ош бўлини".
17.10 "Муҳаббатнинг мангу эртаси".
Б/Ф, 1-қисм.
18.30 "Ёшлик наволар".

ДУШАНБА — 18 МАРТ

18.50 "Наваро шуқул".
19.00 "Давр".
19.30 "Афсуғар", Т/с.
20.20 "Хёт сўрақоқлари".
20.30 "Эртаси болақонлар".
21.10 "Табии", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 Миллий сериал: "Жийда гули".
23.10 "Муҳаббатнинг мангу эртаси".
00.00 "Ватан мекри".
00.10 "Ёшлик наволар".
00.30 "Давр".
1.00 Миллий кино: "Янги бой".
2.20 "Қамолот-инфо".
3.30 "Ўнўтилмас навар".
3.10 "Қўнғил қўшиқ".
3.40 "Шарқ гафлари".
4.30 "Афсуғар", Т/с.
5.20, 6.00 "Хайратчи наволар".

УЎБАҲОН

06.00 "Мадия".
06.05 Қўрагуллар тартиби.
06.10 "Қўнғил", Б/Ф.
07.40 "Салом, Тошкент".
08.30 Тошкент тароналари.
08.45 "Улларин".
08.50 "Муҳаббат учун мангу".
09.20 "Интеллектуал аукцион".
09.30 "Пошта".
09.40 "Ҳаёт қўрғони".
10.05 "Интеръю".
10.15 "Қанор оркестрининг концерти".
10.30 "Пошта", Т/с тилида/
10.45 "Миттивойлар оқлини".
11.05 Миллий кино: "Қўларинг милок".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дуни", теледастур.
14.55 "Бизнес-Пошта".
15.00 "Пошта".
15.15 "Қисмак", Т/с. 3-қисм.
15.35 "Доналар боситилди".
15.40 "Милрибат фидойилари".
16.00 "Танга нуқтаси".
16.30 Тошкент тароналари.
16.45 Мультеариал: "Шумтикчалар", 11-12 қисмлар.
17.10 "Кел, дўстлашамиз", инглиз тилида.
17.25 "Янқини футбол".
17.35 "Пошта", Т/с тилида.
18.00 "Пошта".
18.25 "Интеллектуал аукцион".
18.35 Миллий сериал: "Одамлар орасида", 29-қисм.
19.05 "Интеръю".
19.15 "Хайри тун, болақон".
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
20.00 "Пошта".
20.25 "Тошкент оқдамлари".
